

4

М. СОДИҚОВА

РУСЧА
ЎЗБЕКЧА
ФРАЗЕОЛОГИК
ЛУҒАТ

АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР
ИНСТИТУТ ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМ. А. С. ПУШКИНА

МАКСУДА САДЫКОВА

РУССКО-УЗБЕКСКИЙ
ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИЙ
СЛОВАРЬ


ИЗДАТЕЛЬСТВО «ФАН» УЗБЕКСКОЙ ССР

ТАШКЕНТ - 1972

УЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

МАҚСУДА СОДИҚОВА

РУСЧА-ЎЗБЕКЧА
ФРАЗЕОЛОГИК
ЛУФАТ



УЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ—1972

491.71-3
С-14

Описано

Бу тип (икки тиллик русча-ўзбекча фразеологик) луғат Ўзбекистон миқёсида биринчи мартаба ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинмоқда. Луғатда 5000 дан ортиқ русча фразеологизмлар (мақол, матал, ҳазил-мутойиба, кесатиқ-кинояга хос иборалар, кўчма маъно берувчи турғун бирикмалар) ҳамда уларнинг ўзбек тилидаги эквивалентлари, таржималари бор.

Луғатдаги иборалар рус классик асарлари ва замонавий асарлардан олинди, мувофиқ келадиган иллюстратив цитаталар, мисоллар билан бойитилди ва улар ўзбек тилига таржима қилинди.

Луғатдан турли касб эгалари, ўқувчи ва студентлар, таржимонлар, филологлар ва умуман рус тилини ўрганмоқчи бўлган ҳар бир кимса фойдаланиши мумкин.

Маъсул муҳаррир
фалсафа фанлари доктори,
проф. Қ. Х. ХОНАЗАРОВ



308879

Максуда Садыкова

РУССКО-УЗБЕКСКИЙ
ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИЙ СЛОВАРЬ

*Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номи Тил ва адабиёт
институтининг илмий совети, ЎзССР ФА Тарих, тилшунослик
ва адабиётшунослик бўлими томонидан нашрга тасдиқланган.*

Муҳаррирлар: Х. Зарипова, Н. М. Сальникова

Расм В. Тий

Техмуҳаррир М. Сухарева

Корректор О. Абдуллаев

Р-08612. Теришга берилди 28/III-1972 й. Босишга берилди 10/VII-1972 й. Формати 60×90^{1/16},
Қогози босмахонаси № 1. Қогоз л. 6,0. Босма л. 12,0. Ҳисоб. - нашриёт л. 18,0.
Нашриёт № 1081. Тиражи 5000. Баҳоси 2 с. 4 т.

„Фан“ ЎзССР нашриётининг босмахонаси, Тошкент, Чердышев кўчаси 21. Заказ 75.
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

МУАЛЛИФДАН

Рус тили социалистик миллатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлик қилишида, иқтисодий ва маданий тараққиётида катта роль ўйнаб келмоқда. Бинобарин турли миллат вакилларининг бир-бири билан сўзлашуви, фикр алмашувида ҳамда миллий адабиётларнинг бир-бирларига етиб боришида муҳим воситачи тил дежажасига кўтарилди.

Рус тилини барча миллатлар, жумладан, ўзбек халқи зўр эътиқод билан ўрганган.

Рус тилида ёзиш ва сўзлашиш учун рус грамматикасини билиш жуда зарур бўлгани сингари, унинг сўз бойлигини эгаллаш, специфик хусусиятлари билан чуқурроқ танишиш учун рус тили фразеологиясини яхши билиш ниҳоятда муҳим тадбирлардан биридир.

Бир тилда қўлланилган фразеологизмларни, яъни турли-туман идиоматик иборалар, кўчма маъноларда қўлланувчи турғун бирикмалар, ҳазил-мутойиба, киноя-кесатиқлар, қолаверса мақол, матал, нақлларни бошқа бир тил вакили томонидан эгаллаб олинishi осон эмас, албатта.

Шу билан рус тилини ўрганувчиларга, шунингдек таржимонларга маълум даражада кўмак берар деган мақсадда ушбу қўлланмани (икки тиллик фразеологик луғатни) тузишни лозим ва зарур топдик.

«Луғат» тузишдаги дастлабки зўр қийинчиликлардан бири «луғат»га материал (яъни фразеологизмларни) танлаш, саралаш масаласи бўлди. Лекин бу қийинчиликлар рус адабий тилининг 17 томлик изоҳли луғатидан, I томлик ва 4 томлик русча изоҳли луғатлардан ва ниҳоят 1967 йил В. Молотков таҳрири остида Москвада нашр этилган рус тилининг фразеологик луғатидан фойдаланиш орқасида бирмунча бартараф қилинди.

«Луғат»нинг техник томонларини ишлашда мавжуд французча-русча, немисча-русча ва инглизча-русча фразеологик луғатлардан унумли фойдаланилди.

Мазкур луғатда 5 мингга яқин русча фразеологик ибора ўзбек тилига таржима қилинган. Кўп ўринларда рус фразеологик иборасининг муқобилини беришга ҳаракат қилинди, луғат мақолалари бадий адабиётлардан олинган иллюстратив материаллар билан бойитилди ва таржима қилинди.

Бу типдаги (Русча-ўзбекча фразеологик) луғатнинг яратилиши Ўзбекистон миқёсида биринчи тажрибадир. Шу сабабли «луғат»да айрим нуқсон ва камчиликларнинг бўлиши табиий. Лекин бу камчиликлар талабчан ўқувчилар кўмагида кейинги нашрларида шубҳасиз тузатила боради.

«Луғат»нинг бунёдга келиши ва шаклланишида ҳамкасбларимнинг кўмаклари катта бўлди: Бу тип «луғат»ни тузишга рағбатлантирган киши атоқли луғатшунос Олим Усмондир. «Луғат»нинг русча қисмини филология фанлари кандидати Н. В. Владимирова кўриб чиқди ва айрим тузатишлар киритди. Шунингдек, ўзларининг фойдали маслаҳатлари билан ёрдам кўрсатган филология фанлари доктори А. Ҳожиев, филология фанлари кандидатлари С. Ақобиров, Ш. Шукуров, Ф. Саломов ўртоқларга ва «луғат»ни босмага тайёрлашда қатнашган Р. Шамсиддинова ва К. Шариповаларга муаллиф ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

ЛЕКСИКОГРАФИК МАНБАЛАР

(Лексикографические источники)

- Англо-русский фразеологический словарь, составил А. В. Кунин, М., 1955.
- Ашукин Н. С., Ашукина М. Г. Крылатые слова. Литературные цитаты. Образные выражения, изд. II, М., 1960.
- Даль В. И. Толковый словарь живого великорусского языка, М., 1956, тт. I, II, III, IV, набрано и напечатано со 2-го изд. 1880—1882.
- Немецко-русский фразеологический словарь, составил Л. Э. Биннович, М., 1955.
- Правильность русской речи, Под ред. С. И. Ожегова, М., 1962.
- Рахматуллаев Ш. Узбек тилининг қисқача фразеологик луғати, Тошкент, «Фан» нашриёти, 1964.
- Русско-узбекский словарь, Под ред. А. К. Боровкова, тт. I, II, III, IV, V, Ташкент, 1950—1955.
- Русско-узбекский словарь, Под ред. Р. Абдурахманова, М., 1954.
- Словарь русского языка, составил С. И. Ожегов, Под ред. С. П. Обнорского, М., 1952.
- Словарь современного русского литературного языка, М.—Л., Изд-во АН СССР, тт. I (1950 г.), II (1951 г.), III (1954 г.), IV (1955 г.), V (1956 г.), VI (1957 г.), VII (1958 г.), VIII (1959 г.), IX (1959 г.), X (1960 г.), XI (1961 г.), XII (1961 г.), XIII (1962 г.), XIV (1963 г.), XV (1963 г.), XVI (1964 г.), XVII (1965 г.).
- Толковый словарь русского языка, Под ред. проф. Д. Н. Ушакова, М., тт. I (1935 г.), II (1938 г.), III (1939 г.), IV (1940 г.).
- Узбекско-русский словарь, Под ред. С. Акабиров, З. Магруфова, А. Ходжаханова, гл. ред. А. К. Боровков, М., 1959.
- Фразеологический словарь русского языка, Под ред. А. И. Молоткова, М., 1967.
- Французско-русский фразеологический словарь, Под ред. Я. И. Рецкера, М., 1963.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

- ва ш. к. — ва шу кабилар
ва ҳок. — ва ҳоказолар
дағл. — дағал ибора
дин. — диний ибора
кесат. — кесатик ибораси
киноя — киноя билан айтилган ибора
койиш — койиш ибораси
мас. — масалан
нафр. — нафратланиб айтиладиган ибора
номақ. — номақбул ибора
с. т. — сўзлашув тилида қўлланади
сўк. — сўкиш, койиш ибораси

фольк.— фольклор (халқ оғзаки ижоди) да қўлланадиган ибора
эск.— эскирган (ҳозирда қўлланмайдиган) ибора
қ.— қаранг
ҳазил — ҳазил-мутойиба иборалар

ЛУҒАТДА БЕРИЛГАН БЕЛГИ АЛОМАТЛАРИ

() *оддий қавс* — синонимик вариантлар қавс ичига олинди, ибора таркибидаги компонент сўзлардан айтса ҳам, айтмаса ҳам бўлаверадиган сўзлар ва баъзи изоҳлар қавсга олинди; иборани тўлдирувчи — *кто, что, кого, чего, чему* каби сўзлар қавсга олинди.

[] *квадрат қавс* — русча фразеологик иборанинг сўзма-сўз таржима қилинган ўзбекча эквивалентлари ва мисол тариқасида берилган цитаталарнинг таркибидаги, аслида берилмаган, ammo цитата луғатда берилмаётган пайтда тушунарли бўлиши учун қўшимча тарзда бериладиган киши номлари квадрат қавсга олинди.

|| *параллель* — синонимик вариантлар олдига параллель белгиси қўйилди.

= *тенглик аломати* — рус тилидаги иборага ўзбекча эквивалент ҳар томонлама тенг, айнан ўхшаш бўлса тенглик белгиси қўйилди.

≈ *ўхшашлик белгиси* — рус тилидаги иборага шаклан ўхшамаса ҳам мазмунан яқин кела оладиган, ўша иборани ўзбек тилида шундай айтса, шу ибора билан ифодаласа бўла оладиган эквивалентлар ўхшашлик белгиси орқали берилди.

● бош сўз билан луғат мақоласини ажратиб турувчи белги.

ЛУҒАТНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

Бу луғатнинг оддий икки тиллик луғатлардан фарқи шундаки, бунда алоҳида сўзлар эмас бутун бир фразеологик оборот, идиоматик бирикмалар, мақол, маталлар, хуллас, айнан таржима қилиб бўлмайдиган рус спецификасига хос турли-туман иборалар ўзбек тилига таржима қилинди. Оғзаки нутқда кенг қўлланадиган бу иборалар бадний адабиётда ҳам жуда кўп ишлатилади. Маълумки, бундай ибораларни таржима қилиш масаласи анчагина қийинчиликлар туғдиради ва махсус фразеологик луғатлар тузишни тақозо этади. Ана шу нарсалар кўзда тутилган ҳолда ушбу луғатни яратишга киришилди.

Луғат асосан, а) рус классик асарлари ва замонавий рус адабиётини ўқиш, ўрганишда справочниклик, уларни ўзбек тилига таржима қилишда ёрдамчилик вазифасини бажариши, б) рус ва ўзбек фразеологияси устида тадқиқот ишлари олиб борувчиларга материал сифатида хизмат қилиши мумкин.

Албатта, бу кичик бир томлик луғатда рус ва ўзбек фразеологиясининг мукаммал йиғилди деб бўлмайди. Автор бу ишда бадний адабиётларда ва оғзаки нутқда кўп қўлланадиган идиоматик ибораларни тўплашга ҳаракат қилди ҳамда уларнинг ўзбек тилидаги муқобилларини ёки жуда яқин келадиган эквивалентларини топishга уринди. Муқобил эквивалент топилмаган тақдирдагина изоҳлар орқали тушунтирилди (таржима қилинди).

Тўпланган материаллардан маълум бўлишича бутунлай бошқа системали тилларда ҳам айнан ўхшаш иборалар, муқобил вариантлар учраб экан. Бу жуда қизиқ ажабланарли ҳолдир. Бирнеча мисоллар:

Куй железо пока горячо — Темирни қизғида бос; **Чаша терпения переполнилась** — Сабр қосаси тўлиб-тошди; **Вертеться на языке** (на кончике языка) — Тилнинг учида турмоқ; **Ворон ворону глаза не выклюнет** (мақол) — Қарға қарғанинг кўзини чўқимас ва ҳоказо.

Баъзи иборалар (таржима орқали ёки калька йўли билан) у ё бу тилга шундай ўзлашиб қолганки, уларнинг қайси тилга оид эканлигини кўпинча ажратиш қийин. Масалан: **Будет и на нашей улице праздник** — Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак; **Взять на буксир** — Шатакка олмоқ; **Зайти в тупик** — Боши берк кўчага кириб қолмоқ ва бошқалар.

Бу каби ибораларнинг ўзлашиб бораётганлигининг асосий сабаби бизнинг давримизда рус ва ўзбек халқларининг бирга яшashi, ижтимоий, сиёсий ҳамкорлиги, ҳаётий муносабатларининг яқинлигидан бўлса керак.

Шунга ўхшаш яна бир талай иборалар луғатда қуйидагича таржима қилинди, булар ҳам бориб-бориб ўзлашиб кетиши мумкин. Масалан: **Ню рыба, ни мясо** — Балиқ ҳам эмас, гўшт ҳам эмас; **Он надо мной смеется** — У менинг устимдан кулади; **Как две капли воды похож** — Икки томчи сувдек (бир-бирига) ўхшаш; **Вольная птица** — Эркин қушча; **Вольный перевод** — Эркин таржима; **Вопрос жизни и смерти** — Ҳаёт-мамот масаласи ва бошқалар.

Рус ва ўзбек тилларида айнан ўхшаш бўлмаса ҳам стилистик ёки мазмунан бир-бирига яқин келадиган мақоллар, тургун иборалар қуйидагилар.

Без отца — полсироты, а без матери и вся сирота (мақол) — Оналик етим — гул етим, оталик етим — шум (қул) етим (матал); Богача, хоть дурака, всяк почитает (матал) — Оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин; Собака лаает, ветер носит (мақол) — Ит ҳурар, карвон ўтар; Не суйся в воду, не спрысь броду (мақол) — Сувни кўрмай этик ечма; Висеть (держаться) на волоске — Қил устида турмоқ; Вор у вора дубинку украл — Уғрини қароқчи урибди; Всосать (что) с молоком матери — Сут билан кирган жон билан чиқар ва бошқалар.

Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам ўз синонимик вариантларига эга бўлган мақол, матал ёки фразеологик иборалар бор.

а) бояться воров — не держать коров (мақол).

б) волка бояться — в лес не ходить (мақол).

а) вор у вора дубинку украл

б) вор вором подавился

а) ври, да знай меру

б) ври, да не завирайся

а) эски ҳаммом, эски тос

б) бояги бояги, бойхўжанинг таёғи.

а) ўғрининг кети қувнш

б) иштонсизнинг хадиғи чўпдан.

а) илон чаққан — ола арқондан қўрқади.

б) сутдан оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичади ва б. ш.

Ўзбек фразеологияси қатламида баъзи бир иборалар вулгар характерга эга. Шу сабабли улар адабиётда қўлланмайди (фақат оғзаки тилгагина хос), Улар ушбу луғатдан ҳам ўрин олмади.

Рус фразеологиясини тўплашда асосан рус тили изоҳли луғатларидан ва фразеологиясига хос турли адабиётлардан фойдаланилди (адабиётлар рўйхатига қаранг). Йиғилган материаллардан рус тили изоҳли луғатларида фразеологик ибораларнинг салмоғи ҳарфлар бўйича тенг мувозанатга эга эмаслиги маълум бўлди. Чунончи, А, Б, Г, Е, Ж, У, Ф, Х, Ц, Ш, Щ, Э, Ю, Я ҳарфларида фразеологизмлар жуда кам учрайди. Н, О, П, Р, С, Т ҳарфларида эса бирмунча кўп учрайди.

Ҳажми кўтармаганлиги сабабли бу луғатда фразеологизмларнинг, идиомаларнинг этимологиясига тўхталинмади.

ЛУҒАТНИНГ ТУЗИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ЛУҒАТДАН ФОЙДАЛАНИШ

Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам фразеология устида жуда кўп иш олиб борилганлигига қарамай, фразеологизмларнинг чек-чегараси, состави ва ҳажми ҳақида ҳали тилшунослар томонидан ягона бир фикр тан олинган эмас.

Бу луғат ҳам фразеология нима деган сўроққа жавоб беришни ва рус тилидаги ҳамма фразеологик иборани тўплашни ўз вазифаси қилиб олмайди. Луғатнинг вазифаси рус тилида, айниқса сўзлашув тилида, кундалик матбуотда кўп қўлланувчи, айнан таржима қилиб бўлмайдиган ибораларнинг ўзбекча вариантларини топниш ёки таржимасини беришдан иборатдир. Бунинг оддий икки тиллик луғатдан фарқи ҳам ана шунда.

Ҳар икки тилда (рус ва ўзбек тилида) қўлланувчи вулгар характерга эга бўлган идиоматик иборалар луғатдан ўрин олмади.

Луғатда русча фразеологик иборалар қўйидагича уя усулида жойлаштирилди, яъни ибора составидаги барқарор сўз константа бош сўз (вокобул) сифатида юқорига олинди; сўнг шу сўз остида, жумланинг қайси ерида бўлишидан қатъи назар таркибида ўша бош сўз учраган барча фразеологик иборалар кетма-кет алифбе тартиби билан бериб берилди ва ўзбек тилига таржима қилинди:

ГЛАЗ ● бросаться (бить, кидаться, метаться) в глаза қ. бросаться. в глаза говорить (говорить в глаза) юзига айтмоқ; очниқ (очигинни, тўғриси) айтмоқ; олдида гапирмоқ;

«Плут, однако ж, ужасный; Я ему в глаза это говорил. «Вы», говорю «с нашим откупщиком первые мошенники!» (Гоголь, Мёртвые души).

«У фирибгар, жуда ярамас-да; Мен унинг тикка юзига айтдим. «Сиз», дедим унга «бизнинг откупщик билан бирга қип-қизил муттаҳамсизлар!» в своем глазу бревна не видит, а в чужом соломинку примечает (мақол) ≈ Иштонни йўқ тиззаси иртиққа кулипти; кишининг ўз айби ўзига билинса, юраги ёрилиб ўлади.

во все глаза глядеть (смотреть) с. т. тикилиб (диққат билан) қарамоқ; кўзини тикмоқ; кўз узмай қараб турмоқ.

Уя ичида жойлаштирилган фразеологик ибораларнинг бу каби алифбе тартибида берилиши луғатдан фойдаланувчиларга катта қулайлик туғдиради. Мавжуд фразеологик луғатларда ҳам шундай усул қўлланган.

Бош сўз (мас., глаз) таржима қилинмайди. Шу уяда алифбе тартиби билан кетма-кет берилаётган фразеологикалар ўзбек тилига таржима қилинади. Яъни, иложи борича уларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари топиб қўйилади. Айнан муқобили бўлмаган тақдирда маъно жиҳатидан яқин келадиган эквивалентлар ёхуд ўша мазмунни бераоладиган иборалар берилади ва улар олдидан ≈ ўхшаш аломати қўйилади. Яна мисол:

показать, где раки зимуют ≈ бир писта пўчоғига жо(й) қилмоқ.

хлеб за брюхом не ходит (матал) ≈ туяга янтоқ керак бўлса бўйинни чўзар.

Кўпинча фразеологизмларнинг сўзма-сўз таржималари ҳам квадрат қавс [] ичига олиб берилди. Айнан таржима мазмунсиз ёхуд кулгили чиқадиган ҳолларда, айнан таржима берилмай тўғридан-тўғри русча иборанинг мазмуни изоҳланди.

Русча фразеологик иборалар, мақол, маталларнинг синонимик вариантлари, морфологик ёки стилистик ўзгаришларга эга бўлган шакллари қавс ичида параллель || чизиқлардан кейин бериб берилди.

дыма без огня не бывает (||нет дыма без огня; || без огня и дыма не бывает) [олов бўлмаса тутун чиқмайди] ≈ шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди: ≈ бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ на қилур.

Агар фразеологик ибора составидаги бирор сўзнинг қўлланиш, қўлланмаслиги маънога ҳалал етказмаса, яъни иборанинг ўша сўзсиз ҳам қўлланиши мумкин бўладиган бўлса бундай ҳолларда у сўз қавс ичига олинди: в (самую) точку попасть; вашими бы устами(да) мед пить.

Бир ўринда икки ёки ундан ортиқ сўзни қўллаш мумкин бўлган тақдирда ҳам сўзлардан бири берилиб, қолганлари қавсга олинди; поставить (пригвоздить) к позорному столбу; родиться в рубашке (в сорочке).

задавать (дать, задать) жару (баню, взбучку, духу, жизни, перцу, трепку и т. п.).

Турли вариантларга эга бўлган фразеологизмларнинг вариант ҳосил қилувчи сўзлари қавс ичида берилди: готов (рад, хотел бы) сквозь землю провалиться. Бу ибора р ҳарфида берилганда, рад (готов, хотел бы) сквозь землю провалиться қ. готов тарзида ёзилиб, «готов» сўзига ҳавола қилинди. Х ҳарфида «хотеть» сўзида ҳам шу усул давом этади; хотел бы (готов, рад) сквозь землю провалиться қ. готов ва ҳ. к.

Русча иборалар ўзбек тилига таржима қилинганда ҳар бир эквивалент ва изоҳлар орасига нуқтали вергул (.) қўйилди.

Иборалар маъноси икки ёки ундан ортиқ (асл ва кўчган) бўлса, маънолари 1, 2 рақамлардан сўнг берилди.

Рус тилидаги эскирган, архаик фразеологизмлар ва диний иборалар луғатга деярли киритилмади, чунки улар истеъмолда кам қўлланади. Фақат ўз маъносини маълум даражада ўзгартириб ҳозирги тилда қўлланаётганларининггина луғатга киритилди. Ёлғиз бир сўздан иборат бўлган идиомалар ёки кўчган маънода қўлланувчи яқка сўзлар луғатга олинмади.

Бир фразеологик ибора таркибида бир нечта бош сўз учраши мумкин ва ҳар қайси бош сўз остида ўрни (навбати) келганда ўша фразеологик ибора қайта такрорланади. Бундай ҳолда, турли ерда келтирилган иборалар биттасига, яъни изоҳ берилган иборага ҳавола қилинди.

БЫТЬ ● **быть** в курсе дела хабардор бўлмоқ; (иш, масала, аҳвол билан) таниш бўлмоқ.

КУРС ● **быть в курсе дела** (қ. **быть**).

ДЕЛО ● **быть в курсе дела** (қ. **быть**).

Феъл, бош сўзлар кўпинча тугалланмаган феъл шаклида берилади. Уларнинг тугал шакллари эса ўша феълнинг тугалланмаган шаклига ҳавола (ссылка) қилинди. Тугалланмаган феъл шакли тагида (уяда) берилган фразеологик иборалар қаторида тугалланган феъл билан келган фразеологик иборалар ҳам учраши мумкин:

ВЫКИДЫВАТЬ ● **выкинуть** на улицу кўчага ҳайдаб юбормоқ; бош манасиз қолдирмоқ.

выкинуть шутку ҳунар (қиллиқ) кўрсатмоқ; ≈ хурмача қиллиқ қилмоқ;

ВЫКИНУТЬ қ. **выкидывать**.

Рус тили хусусиятига кўра баъзи иборалар I ва III шахс учун ҳам қўлланаверади. Уларни таржима қилишда биз қуйидаги усулни қўладик: на душе кошки скребут ≈ ичи(м)ни ит тирнамоқда.

руки коротки (у кого) қўли(нг)дан келмайди; ≈ қўли(м) калталик қилади; имконият(и) йўқ.

Бош сўз сифат бўлганда **-ый, -ный муж.** род қўшимчалари билан тугалланиб, ёнига яна **-ая, -ое** (жен., ср. род) қўшимчалари ёзиб қўйилди, чунки уя ичида келтирилган иборалар жен. ва ср. родларда ҳам бўлиши мумкин. Мас., **ЧЕРНЫЙ, -ая, -ое** ● **в черном теле держать** (кого) қ. **тело.**

оставить на (про) черный день. қ. **оставлять.**

черная кошка пробежала (между кем) ≈ ораларидан қора мушук ўтиб қолди; ораларига совуқчилик тушди.

Кўпчилик идиоматик ибораларнинг, фразеологизмларнинг мазмунини контекст ичида яна равшанлашади, жонланади. Шу нуқтан назардан луғатдаги иборалар иллюстратив материаллар билан бойитилди. Иллюстратив материаллар цитата тарзида бадний адабиётлардан олинди. Фойдаланилган бадний асарлар турли давр ва турли авлод ёзувчиларига мансуб.

Баъзи ҳолларда икки тилли ва изоҳли луғатлардаги тайёр цитаталардан ҳам фойдаланилди.

Таржиманинг ўнғай бўлишини, тушунилтишининг осон бўлишини кўзда тутиб, баъзи русча фразеологик иборалар қўшимча сўзлар билан тўлдирилган ҳолда, баъзан гап ҳолига келтирилиб берилди. Мас., **вне себя** ибораси **быть вне себя от радости** тарзида олинди. Таржимаси: «ўзида йўқ хурсанд бўлмоқ, терисига ситмаслик».

быть вне себя от гнева дарғазаб бўлмоқ; ғазабга минмоқ;

бросать на ветер ибораси **бросать** (деньги) **на ветер** (пулни) **кўкка совурмоқ; исроф қилмоқ; сувга оқизмоқ.**

бросать слова на ветер бефойда валдирайвермоқ; беҳуда вайсамоқ.

Фразеологик иборанинг ўзбекча эквиваленти бироз сиқикроқ ёки тушунилиши қийинроқ бўлган тақдирда қавс ичида яна қўшимча изоҳ ва тўлдиришлар берилди ва контекст келтирилди. Мас., *быть как без рук* (без кого, чего) қўлсиз одамдай бўлмоқ; ≈ қўлсиз-оёқсиздай бўлиб қо-моқ (мас., дастёрсиз, асбоб-усқунасиз ва ҳ. к.);

Как там наш старик? Ведь мы без него, как без рук. (Каверин. Два капитана).

Қалай у ерда бизнинг бобойимиз? У кишисиз бизнинг қўлимиз келиб қолади-ку.

Русча ибораларнинг таржимаси, эквивалентлари берилиши билан бирга баъзан уларнинг қаерда ёки қай вақтда қўлланишлари қавс ичида изоҳланиб кетилди: *чёрт принес (кого) ≈ кўзим учиб турувди* (бирор киши бевақт келганда айтилади).

Русча фразеологик ибораларга берилаётган ўзбекча иборалар синонимларга, вариантларга эга бўлса, улардан бир нечаси нуқтали вергул билан кетма-кет берилади: *быть на седьмом небе ўзида йўқ хурсанд бўлмоқ*; терисига сиғмаслик; оғзи қулоғида бўлмоқ.

Бир ибора икки-уч хил фонетик ё лексик вариантларга эга бўлса, ҳамма вариантлари ҳам берилди ёки бир сўз бошқа вариантда ўзгача шаклда ишлатилса, ўша сўз қавс ичида берилди. Бу каби вариантликни русча ибораларда ҳам учратиш мумкин, улар ҳам қавсда берилади: *готов (рад, хотел бы) сквозь землю провалиться ≈ ер ёрилмади-ю ерга кириб кетмади(м)*; ер ёрилса-ю ерга кирсам дедим; етти номусим ерга киргудек бўлди ва ҳоказо.

Шу каби бир неча хил вариантларни оддий изоҳларда ҳам учратиш мумкин:

плыть по течению оқимига қараб сузмоқ; шамол оққан томонга оғмоқ; келишувчилик билан иш тутмоқ.

Чунки контекстга, нутқ моментига қараб бир ибора турлича маънода, маъно оттенкаларида қўлланиши мумкин. Бундай кўп вариантлик таржимонларга қулайлик туғдирар деган мақсадда берилди.

Мазкур «Русча-ўзбекча фразеологик луғат» биринчи тажриба бўлгани сабабли унинг принципида ҳам пишиб етмаган, яна ишланиши лозим бўлган ёки принципдан чекинилган ерлари бўлиши мумкин.

А

АБОРДАЖ ● брать на абордаж (кого, что) қ. брать

АВГИЕВЫ КОНЮШНИ ● [Авгий отхоналари]; 1) отхона (яъни, биликсиб, ифлос бўлиб ётган жой); 2) тартибсиз бўлиб, чалкашиб ётган иш;

очистить авгиевы конюшни.

Отхонани (ифлос бўлиб, биликсиб ётган жойларни) тозалаб қўймоқ.

АВОСЬ ● авось да небось (да как-нибудь) с. т. «худо ҳохласа» бўлиб кетар...; зора девонанинг ишини «худо» ўзи ўнгласа...

на авось (говорить, делать что-н.) с. т. таваккал (қилмоқ) таваккалига (иш қилмоқ); «худо ҳохласа бўлиб кетар» (деб иш бошламоқ); зора... бўлиб қолса;

[Городничий:] Ну да уж попробывать. Что будет, то будет, попробывать на авось (Гоголь, Ревизор).

[Шаҳар ҳоқими:] Таваккал қилиб яна бир сынаб кўриш керак! Нима бўлса бўлди, бахтимиздан кўраминиз.

АДСКИЙ, -ая, -ое ● адская боль қаттиқ (зўр, чидаб бўлмас даражадаги) оғриқ.

адская жара жазирама иссиқ; ≈ дўзахнинг эшиги очилди.

АДРЕС ● не по адресу [адресга тўғри тушмаслик]; ноўрину; нотўғри; ўрнига тушмаслик; ўрнини топмаслик.

по адресу (// в адрес) (кого) (заметить, сказать) бирор кишига (ёки бирор ташкилот ё муассасага) тегилиб гапирмоқ; пичинг қилмоқ; илиб ўтмоқ;

Иногда слышались мне обращенные по моему адресу упреки (Гончаров, Слуги старого века).

Баъзан менга тегилиб айтилган пичинглар ҳам эшитилиб турарди.

АЗ ● [қадимий рус алифбесининг биринчи ҳарфи ва унинг номи].

азá в глаза не знает (// ни азá не смыслит) ҳеч балони билмайди; ≈ алифни калтак дея олмайди; ≈ оғзинг қани деса қулоғини кўрса-тади; ≈ қорнини ёрса алиф чиқмайди.

знает только аз да буки алифбедан нарига ўтмайди; фақат бошини (бошланнишини) билиб олган холос (билими саёз).

(прочитать) от аза до ижицы бошдан-оёқ ўқимоқ; бошдан-оёқ ўқиб чиқмоқ.

АЗБУЧНЫЙ, -ая, -ое ● азбучная истина оддий ҳақиқат; кўриниб турган, ҳаммага маълум, аён бўлган ҳақиқат (қоида, нарса).

АЙ ● ай, да молодец! отанга балли!; офарин!; қандингни ур!; боладинг, шоввоз!

АКЦИЯ ● акции поднялись (кого, чего, чьи) баҳоси, нархи ошди, кўтарилди; аҳамияти, роли ошди.

акции упали (кого, чего, чьи) баҳоси, нархи тушди, пасайди; аҳамияти, роли пасайди, камайди.

АЛТЫН ● не было ни гроша, да вдруг алтын хеч бало йўқ эди. бирдан ёғилиб кетди; икки қўллаб берди.

АЛЬФА ● альфа и омега (чег) аввалню (боши ва) охири. (Юнон. алифбесининг биринчи ва охири ҳарфлари номидан олинган).

от альфы до омеги бошдан то охиригача: бошдан-оёқ.

АППЕТИТ ● аппетит приходит во время еды иштаҳа ош устида; иштаҳа овқат билан бирга келади.

АРАБСКИЙ, -ая, -ое ● арабские сказки олди-қочди гаплар; кўкнори (афанди) хаёллар.

рассказывать арабские сказки олди-қочди, ёлғон-яшиқ гапларни гапириб бермоқ.

АРТИЛЛЕРИЯ ● тяжёлая артиллерия 1) ҳазил, кесат. оғир карвон;

тамбал; тепса тебранмас (одам); 2) бирор нарса ёки муваффақиятни қўлга киритишда энг ишончли таянч, восита; жуда аҳамиятли, таъсирли зўр гап, даъво, шахс.

АРШИЙН ● мерить на свой аршин (кого, что) ўз андозаси билан ўлчамоқ; ўз ўлчовига солмоқ (ишга, воқеага бир томонлама қарамоқ).

писать аршинными буквами (ҳазил) катта-катта қилиб ёзмақ.

словно (будто) аршин проглотил (худди) хода ютгандай (ғўдайган одам ҳақида).

АТМОСФЕРА ● атмосфера нақаллилась вазият кескинлашди; вазият жиддий тус олди.

атмосфера разрядилась вазият енгиллашди; вазият анча юмшади.

АХ ● ах, вон оно что?! (‘ах, так?!) ҳа шундайми?!; ҳали шундайми?!; ҳа, гап бундай денг?!

ах да... с. т. ҳа, айтгандай...; айтмоқчи...; ҳа, айтмоқчи-я...

ах, если бы да кабы, во рту росли грибы! ≈ ёз бўлса-ю, қиш бўлмаса, ош бўлса-ю, иш бўлмаса.

ах, так! (// ах, вон оно что) ҳали шундайми?!; ҳали шундай денг; гап шундайми?! шундай бўлдимми?!

охи да ахи оҳ-воҳлар; нолалар.

АХИЛЛЕСОВА ● ахиллэсова пята [Ахилл товоши, яъни юнон афсоналаридаги қаҳрамон Ахиллнинг товоши]; бирор кишининг характеридаги ёки саломатлигидаги заиф, бўш томон; шунингдек айрим иш ёки масалаларнинг нозик, қалтис, заиф ери;

Но увы! и у него была ахиллэсова пята, и он имел слабости.

Минг афсуски! Ҳатто унинг ҳам заиф томонлари бор эди; у ҳам баъзан ожизлик қилиб қоларди.

АХНУТЬ ● ахнуть не успел кўз очиб юмгунча; бир зумда; оғиз очиб бир нарса дегунча ҳам бўлмади; бир оғиз гап ҳам айтолмай қолди.

Б

БАБА ● базарная баба дағл., с. т. ≈ бозор кўрган эчки; шаллақи хотин.

бой-баба ўктам хотин; уддабурро, шадлот хотин.

каменная баба тошдан йўниб ясалган ҳайкал одам.

снежная (снеговая) баба қор бобо (қордан қилинган одам).

БАБИЙ, -ья,-ье ● бабье лето [хотинлар ёзи]: эрта куз; офтобшувоқ; ≈ эшак ўлдирар офтоб (куз фаслидаги очиқ илиқ кунлар).

бабьи сказки уйдирма (уйлаб чиқарилган; ёлғон-яшиқ) гаплар; кўкнори хаёллар.

сорок лет — бабий век эск. ≈ хотинлар ўттизга кирса ўтин бўлади; ≈ қирққа кирса қирқилади;

Подумать только: весь свой «бабий век» изо дня в день, из года в год прожила она [Варвара] в трудах и изнуряющем куда больше, чем работа, житейском беспокойстве. (Ю. Лаптев, У горы непокорной).

Қаранг-а, бечора [Варвара] ўзининг бутун (ёш) умрини мехнат-машаққатда эзилиб ўтказди. Ундан ҳам бурун рўзғор, ташвиш таҳликаси уни адо қилди.

БАБУШКА ● бабушка надвое сказала (гадала) с. т. ё бўлади, ё бўлмайди, бўлиш-бўлмаслиги номаълум; мужмал.

бабушка ворожит (кому) толеъи бор; иши ўнгидан келади.

хорошо тому жить, кому бабушка ворожит (мақол) киройи яшага; яраша пешананг ёруғ бўлса; оқ олчиларга маза.

БАЛ ● кончен бал қ. кончати
БАЛЬЗАКОВСКИЙ ● бальзакковский возраст хотинларнинг ўттиз билан қирқ ёш ўртасидаги даври (Бальзак таъбирча бу давр аёлларнинг энг яхши давридир).

БАЛЬЗАМ ● бальзам на ралу ярага малҳам; дардга даво.

БАНЫЙ, -ая, -ое ● как банный лист пристал хира пашшадек ёпиқ олди;

— *Ах, не приставай ко мне сными вопросами! — сердился кин. — Пристал, как банный лист!* (Чехов, Лишние люди).

— Қўйсангчи, ўша аҳмоқоналарингни, — тажанланди Зағал. Хира пашшадек жонга тегасан.

БАНЯ ● задать баню, устроить баню (кому) с. т., қ. задавать.

кровавая бава қайыны, қайыны
қойны; аударыла.

БАРАНИЙ, я. б. ба ● бақар
(свернуть, свертать) ● бақар (ба
(// согнуть в лугу; и др. др.) (ба
го) қаттық қуанып қалса, бақар ұт
тирмоқ; ғып бақар; — бақардан ий
ұтказмоқ; алабий бақар.

[Чинговик] синала бақардан ба
цом; с ним постоянно беседовать,
и беда была бы тогда, если бы кто
обидел его — в бараний рог со-
гну! — думал он, и ему сосредото-
чно сделать это было легко. (Решет-
ников, Свой хлеб).

[Чинговик] жуа ұттир қорқалы
эди; у билан ҳар дим маспақатла-
шыб иш қилларди, уни мафа қилыб
қўйган киши бақ бақларға қолар-
ди.— Ҳамманнинг бурингдан ий ўт-
казиб оламан! — деб ўиларди у ва
бундай қилиш унинг қўлидан бема-
лол келарди.

— Я его в бараний рог скр-
чу.— проговорил Семен Андрианович
сквозь зубы.— В землю вобью. (В.
Мильчаков, Таких шадить нель-
зя).

— Мен энди унинг адабини бера-
ман.— деди Семён Андрианович тиш-
ларини қисирлатиб,— ер билан яқсон
қилиб юбораман.

БАРИН ● сидеть барином с. т. қўл
қовуштириб, ҳеч иш қилмай ўтирмоқ;
қўлни совуқ сувга урмай ўтирмоқ.

БАТЮШКА ● батюшкин сынок
отасининг боласи; отасининг худди
отаси;

[Скотинин:] Ну, Митрофанушка!
а, я вижу, матушкин сынок, а не
батюшкин. (Фонвизин, Не-
доросль).

[Скотинин:] Ҳа, Митрофанушка!
Назаримда, сенинг феъл-атворинг
отангдан кўра ҳам кўпроқ онангга
ўхшаб кетади.

БАШМАК ● быть у жены под
башмаком қ. быть.

БЕГ ● быть в бегѣх с. т. 1) (би-
дор иш кетидан) юрмоқ, югурмоқ;
2) бегим билмаслик;

Сегодня весь день прошёл в бе-
гах (в беготѣ).

Бүгүнкү бугүнкү кун кечгача югур-
моқ билан ўтди;

Бегим; қочиб, бекиниб, қоңоқликда юр-
моқ (мас., крепостнойликдан, сол-
датликдан, сургундан).

Беготѣ ● жүргүзүш беготѣ по-
лучил он и самовластно, жакраватив
поэтому он иду, прежде это беготѣ
получил.

Беготѣ ● беготѣ беготѣ, беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

Беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ
беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ беготѣ

ялся пушистый иней. (Марлинский, Страшное гаданье).

Биз тиззадан қорға ботиб аранг силжирдик, бахтаға қарши күк юзини ҳарир булут қоплаб қор учқунларди. не велика бедә ҳеч гап эмас; ҳеч қисн йўқ; зарари йўқ.

не лиха бедә ҳеч гап эмас, ≈ тил-огзи йўқ; қийин эмас.

что за бедә с. т. аҳамияти йўқ; аҳамиятсиз; ҳеч қисн йўқ.

БЕДНОСТЬ ● бедность — не порок (матал) камбағаллик айз эмас.

БЕДНЫЙ, -ая, -ое ● беден, как церковная мышь жуда камбағал, қашшоқ.

бедному жениться — и ночь коротка (// бедному Ванюшке жениться — ноченька коротка) (матал) [≈ камбағал уйланганда тун ҳам қисқа келди]; ≈ камбағалнинг оғзи ошга текканда бурни қонайди; ≈ биз уйланганда хўроз эрта (барвақт) қичқиради.

на бедного Макара и шишки валяться (матал) ≈ камбағални туянинг устида ит қопар.

БЕЖАТЬ ● бежать без оглядки орқасига (орқа-ўнгига) қарамай қочиб қолмоқ; кетига ургандек (бирова қувлагандек) югуриб кетмоқ;

— *Куда так, кумушка, бежашь ты без оглядки?* — *Лисицу спрашивал Сурок.* (Қрылов, Лисица и сурок).

Ҳа, оғайничалиш, қаёққа бунча югуриб кетяпсан, бирова қувладими? — деб сўрапти суғур тулкидан.

бежать во весь дух (// бежать во все лопатки) ура қочмоқ; ≈ оёғини қўлига олиб (жонини борича) югурмоқ; ўқдай учмоқ;

Мальчик поднял кольцо, во весь дух пустился бежать. (Пушкин, Дубровский).

Бола ҳалқани олди-ю, ура қочиб қолди.

бежать, как на пожар қ. пожар.

бежать (бояться), как чёрт от ладана (матал) [шайтон исриқдан (жин бисмиллоҳдан) қўрққандай қўрқиб қочмоқ]; орқа-ўнгига қарамай (ўтақаси ёрилиб) қочиб кетмоқ.

бежать, не чуя ног под собой оёғини қўлига олиб чопмоқ; оёғи ерга тегмай югурмоқ.

бежать сломя голову орқа-ўнгига қарамай, оёғи ерга тегмай чопмоқ; ура қочиб қолмоқ;

Встретившийся нам ...босоногий мальчик ударился от нас бежать сломя голову. (Достоевский, Село Степанчиково).

Бизга рўпара бўлган оёқяланг бола бизни кўрди-ю ура қочиб қолди. бежать со всех ног с. т. оёғини қўлига олиб югурмоқ; ўпкасини қўлтиқлаб чопмоқ.

время бежит вақт кетяпти; вақт жуда тез (ғизиллаб) ўтяпти;

Время, между тем, бежало, по своему обыкновению, под гору, увлекая за собою дни, часы, минуты и секунды. (Григорьев, Проселочные дороги).

Вақт ўз одатича ғизиллаб ўтарди, у қунлар, минутлар, секундларни етаклаб тоғлар ортига шошарди.

БЕЗ ● бежать без оглядки қ. бежать.

без году неделя (ҳазил) [бир йили кам бир ҳафта]; кечагина...; яқинда; ҳали ҳеч қанча вақт ўтгани (бўлгани) йўқ...; буёқдан келиб буёқдан...;

Вы, батюшка, в полку без году неделя; нынче здесь, завтра перешли куда в адъютантики. (Л. Толстой, Война и мир).

Сиз, отахон, полкка кечагина келган эдингиз; бу ерда бир оз бўлдингиз-у, аллақачон қаергадир адъютант бўлиб ўтиб кетипсиз.

Вот, Мирон Липатич, без году неделя вы живёте в здешнем доме, а уж поминутно, без спросу отлучаетесь. (А. Островский, Невольница).

Мана, Мирон Липатич, бу уйга кўчиб келганингизга ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ-у, ҳалидан ҳали сўроқсиз чиқиб кетаверасиз.

без меня меня женили ≈ ўзи йўқнинг кўзи йўқ; ўзим йўқлигимда иш-ни «боплашипти».

без мыла в душу лезть (влезть) қ. мыло.

без ножа зарезать (кого) с. т. қ. нож.

без огня и дыма не бывает (// дыму без огня не бывает) (мақол) [олов бўлмаса тутун чиқмайди]; ≈ шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди; ≈ бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур.

без отца — полсироты, а без матери вся сирота (матал) ≈ оналик етим — гул етим, оталик етим — шум (қул) етим.

без памяти (от кого, от чего) қ. п^амять.

без пяти минут қ. мину^та.

без роду, без племени эск. насл-насабсиз; безот; таги паст; паст та-бақадан.

без руля и без ветрил боши оққан томонга, дуч келган ёққа, қандай тұғри-келса шундай (бирор мақсад-сиз, маслакесиз, бебошларча деган маънода).

без смеху беҳазил; кулгилик жойи йўқ; ҳа, чиндан.

без сучка, без задоринки (/ни суч-ка, ни задоринки) ≈ хамирдан қил суғургандай; осонгина; силлиққина; қийинчилксиз; бенуқсон;

[Дочь богатого купца] думала, что жизнь ее в замужестве будет хоро-шая, что в ней она не встретит ни сучка, ни задоринки (Решетников, Свой хлеб).

[Бой савдогарнинг қизи] турмушга чиққанимда ҳаётим жуда фаровон бўлади, ҳеч қандай қийинчилкларга дучор бўлмайман деб ўйларди.

Стихи у него были гладкие, без сучка, без задоринки. (Тынянов, Кюхля).

Унинг шеърлари силлиқ, равон бў-либ, унинг бирор ортиқча ёки камчи-лик жойи йўқ эди.

без счёта қ. счёт.

без тени сомнения (/без всякого сомнения) шак-шубҳасиз.

без труда нет добра меҳнатсиз ро-ҳат йўқ; ≈ жон чемагунча (куйдир-магунча) жонона қайда.

без ума любить (кого) қ. ум.

без царя в голове жуда аҳмоқ; хом калла; қовоқ.

Не без того усиз бўлмайди-ку; ал-батта; усиз бўлармиди; ўшандай бў-лиши ҳам мумкин.

ноль без палочки қ. ноль.

БЕЗДНА ● бездна премудрости (ҳазил), кесат. чуқур илм; ўткир ақл ва ҳоказо.

бездна словесной воды бемаъни, валдир-вулдур гаплар.

БЕЗДОННЫЙ, -ая, -ое ● бездон-ная бочка с. т., (ҳазил) [таги йўқ бочка]; таги тешик қоп; қумга сув қуйгандек (бирор нарсага пул ёки маблағ ҳаддан ташқари кўп сарф қилинганда бу ибора қўлланади).

БЕЗЛЮДНЫЙ, -ая, -ое ● без-людный фонд четдан (штатда тур-

масдан), шартнома билан ишлаган-ларга тўланадиган пул фонди.

БЕЗРЫБЬЕ ● на безрыбье и рак рыба (мақол) ≈ сув йўғида таям-мум.

БЕЗЫМЯННЫЙ, -ая, -ое ● безы-мянный палец ангишвона бармоқ (жимжилоқнинг ёнидаги бармоқ).

безымянная высота номсиз тепалик (жанг ва ш. к. воқеалар бўлган жой).

БЕЛЕНА ● белены объелся? с. т. эсингни едингми? жинни-пинни бўл-дингми? сени жин урдими?

— Не хочу быть столбовою дво-рянкой, А хочу быть вольною цари-цей. Испугался старик, взмолился: «Что ты, баба, белены объе-лась? Ни ступить, ни молвить не умеешь, насмешишь ты целое царст-во». (Пушкин, Сказка о рыбаке и рыбке).

— Мен оддий дворян хотин бў-лишни истамайман, балки подшо хо-тин бўлишни хоҳлайман. Чол қўрқиб кетиб шундай деди: «Кампир, эсин-ни едингми сен? На юриш-туришни биласан, на муомалани. ахир. бутун подшоликни уятга қўясан».

БЕЛЫЙ, -ая, -ое ● белая ворона қ. ворона.

белая горячка қаттиқ иситма бил-лан бўладиган (телвакезик сингари) оғир (руҳий) касаллик (алкоголизм оқибатида юз беради).

белая кость оқсуяк, зодагон.

белое золото оқ олтин; пахта.

белое мясо бузоқ ва товуқ гўшт-лари.

белые ночи оқ тун (шимол томон-да, Ленинград ва унинг атрофида бўладиган ёруғ кечалар).

белые пятна ҳали ўрганилмаган, аниқланмаган жойлар, хусусиятлар, нарсалар (география картасида, фанда).

белые стихи оқ шеър (қофиясиз шеър).

белый свет ёруғ дунё; олам; бу дунё.

белый уголь [оқ кўмир] сувнинг кучи; электр энергияси.

довести до белого каления (кого) қаттиқ ғазаблантирмоқ; хит қилиб юбормоқ; жонидан тўйдирмоқ;

[Жорж:] Маман рассердилась и при-казала мне идти сюда. [Борканов:] Значит так свою маман довел до

бѣлого каленія. (Горбунов, Деревенские сцены).

[Жорж:] Маман (онам) аччиглаиб менинг бу ерга келишимин буюрди. [Борканов:] Демак, сен ўз маманиннинг жонини ҳалқумига келтирипсан-да.

называть черное бѣлым қорани оқ деб туриб олмоқ (қайсарлик, ўжарлик).

сказка про бѣлого бычка қ. сказка.

среди бѣла дня с. т. қ. срьдѣ.

БЕЛЬЕ ● рыться (копаться) в чужом (грязном) бѣльѣ (кого, чьем) қ. рыться.

БЕЛЬМО ● как бѣльмó на глазу (в глазу) кўзга тушган чўпдек; худди хира пашшадек, ≈ зиғир ёгдек кўнгилга теккан;

Один только старый дом стоял в глубине двора. как бѣльмó в глазу, мрачный, серый, полинявший, местами с забытыми окнами. (Гончаров, Обрыв).

Ҳовлининг энг ичкарисида, деразаларининг эт-бети синиқ, шувшиб ётган. кўримсиз биргина эски уй кўнгили хира қилиб турарди.

БЕРЁЗОВЫЙ, -ая, -ое, ● дать берёзовой каши с. т. (ҳазил) таёқ, хивич, хипчин билан калтакламоқ; адабини бермоқ; ≈ «бурама қанд едирмоқ»;

Пошли его сюда., уж я ему дам, разбойнику. берёзовой каши! (Лермонтов).

Уни менинг олдимга юборгин, у хумпарни савалаб бир адабини бериб қўй.

БЕРЕЧЬ ● берегй платье снову, а честь смолоду (матал) [кўйлагининг янгиллик вақтидан асра, орномусингга эса ёшлиқдан эҳтиёт бўл]; ҳар бир нарсани бошидан бошлаб асраш, ёшлик пайтидан бошлаб тарбия қилиш керак (деган маънода).

беречь как зеницу ока (//как зеницу ока беречь) кўз қорасидай (қорачиғидай) асрамоқ; жуда эҳтиёт қилмоқ.

беречь как зеницу ока народное достояние халқ мулкисини кўз қорачиғидай асрамоқ.

БЕС ● рассыпаться мелким бесом (перед кем) қ. рассыпаться.

БЕСИТЬСЯ ● беситься с жиру с. т. ≈ тўқликка шўхлик қилмоқ, қутурмоқ (тўқликдан чиқар шўхлик);

≈ давлатига дам бермоқ (давлатига тўнқаймоқ).

БЕССТРУННЫЙ, -ая, -ое ● бесструнная балалайка с. т., (киноя, ҳазил) булбули тўё; жағи очиқ; вайсақил.

БЕШЕНЫЙ, -ая, -ое ● бешеные деньги (меҳнатсиз, машаққатсиз топилган) беплиска пул; мўмай пул. бешеные цены с. т. жуда балид нарх; жуда қиммат нарх-наво.

БИСЕР ● метать бисер перед свиньями (матал) қ. метать. писать бисером қ. писать.

БИТКОМ ● битком набитый с. т. тирбанд; тиқин; тиқилинч; лиқ-лиқ; лиқ тўла; ≈ инна ташласа тикка туради;

автобус набит битком автобус лиқ тўла; автобуснинг ичи муш (шо)-муш; жиққа муш;

Он нашел на чердаке огромный окованный жестью сундук, битком набитый книгами старинной печати. (Куприн, Прапорщик армейский).

У чердакдан тунука қопланган катта сандиқ топиб олди. сандиқнинг ичи қадимги китоблар билан лиқ тўла эди.

Зала была, как говорится, набита битком. Не было ни одного места свободного. (Достоевский. Маленький герой).

Залга инна ташласанг тикка туради, бирорта ҳам бўш жой йўқ эди.

БИТЫЙ, -ая, -ое ● битый час (ждать) қ. час.

БИТЬ ● бить баклуши (// валять дурака, лодыря гонять) с. т. бекорчиҳўжа бўлиб (ялло қилиб) юрмоқ; бекорчиларга бек бўлмоқ; ≈ аҳмоққа тўқмоқ.

бить в глаза кўзга яққол ташланмоқ; ≈ мана мен деб турмоқ; эйтиборни тортишга ҳаракат қилмоқ;

...Сильно бйла в глаза желтая краска на каменных домах и скромно темнела серая на деревянных. (Гоголь, Мёртвые души).

Фиштин бинолар устидаги сарниқ бўёқлар ярақлаб кўзга яққол ташланарди, ёғоч уйларнинг қорамтир одми туслари эса кўримсизгина товланарди.

бить в набат (// бить тревогу) фалокат ҳақида хабар бериб жар солмоқ (чақирмоқ); шовқин-сурон кўтармоқ; одам ишмоқ.

БИТЬ (бросаться, ударять) в нос думоққа урмоқ; думоқни ёрмоқ (мас., ўткир ёки ёмон ҳид);

Дверь в самую контору была тоже настежь отворена..., до тошноты бóло в нос свежее, еще не выстоявшиесяю краской на тухлом алифе вновь покрашенных комнат. (Достоевский, Преступление и наказание).

Контора томондаги эшик ҳам ланг очик эди...; янгидан мойланган, бўёқлари ҳали қотмаган хонадан келаётган алиф ва бўёқларнинг қўлакса ҳиди нақ думоқни ёрай дерди.

БИТЬ в цель мўлжалга урмоқ; жинни топиб урмоқ; нишонга тегизмоқ;

Впрочем, сказано действительно здорово. Бьет в цель. (О. Сидельников, Нокаут).

Ҳақиқатан ҳам гапни жуда бошлади. Худди мўлжалга тегизди.

БИТЬ карту (чыю) картани босмоқ (ёпмоқ); (бировнинг) картасини ютиб олмақ.

БИТЬ (кипеть, забить) ключом булоқдай қайнамоқ; қайнаб (тўлиб-тошиб) ётмоқ; шарқираб оқмоқ; жўш урмоқ;

Может, уже алая кровь бьет ключом из белого тела; может, теперь изнемогает мой милый, а я лежу здесь! (Гоголь, Страшная месть).

Эҳтимол, бу дамда азнимнинг кумушдек танидан қизил қони шарқираб оқиб ётгандир; балки у ҳолдан тояётгандир, мен бўлсам бу ерда ётибман!

Жизнь била во мне ключом; все поручавшиеся мне дела казались слишком легкими. (А. Игнатьев, 50 лет в строю).

Юрагимда гайрат жўш урадди; берилган ҳар қандай топшириқларни мен бир зумда бажариб ташлардим.

БИТЬ мимо цели мўлжалга (кўзланган ерга) ура олмаслик; ≈ тегирмончининг ўрнига кўсани уйғотиб қўймоқ.

БИТЬ по карману ҳамёнига зарар (зиён) етказмоқ; чув туширмоқ.

БИТЬ (ударить) по рукам бор барака (барака топ) қилмоқ; битишмоқ.

БИТЬ челом эск. илтимос қилмоқ;

ўтиниб сўрамоқ; арз билан келмоқ. лежачего не бьют қ. лежачий.

собьё с тебя спесь попугингии паясайтириб қўяман.

БИТЬСЯ ● биться, как рыба об лёд бошини тоғу тошга урмоқ; югуриб елмоқ; беҳуда уринмоқ; ≈ ўзини ўтга урмоқ (мас., камбагалчиликдан, тиркичилик ҳаракатидан, оғир аҳволга тушиб қолганда);

[Марья] работала, как лошадь, и никто не знал, когда она спит. Надо было прокормить семью, и она билась, как рыба об лёд. (Серрафимович, Дома).

[Марья] итдек ишларди, унинг қай маҳалда ухлаб дам олишини ҳам ҳеч ким билмасди. Оиласини боқаман деб, у ўзини ўтга-чўққа урадди.

БИТЬСЯ (ударяться) об заклад эсгаров ўйнамоқ; бас бойлашмоқ;

— У тебя сегодня какая-то особенная прыть,— сказал Петр Иванович, глядя на него впросительно.— Бьюсь об заклад, что не угадаете!— говорил Александр. (Гончаров, Обыкновенная история).

— Сен бугун жуда чаққон кўринасан.— деди Петр Иванович унга савол назари билан қараб.— Гаров ўйнайман, бунинг сабабини билтолмайсиз.— деди Александр.

Многие были... уверены, что не придет Иван Никифорович. Городничий даже бóлся об заклад с кривым Иваном Ивановичем, что не придет. (Гоголь, Пов. о том, как поспорились...).

Иван Никифоровичнинг келмаслигига кўпчиликнинг имони комил эди. Шаҳар ҳокими у келмайди деб, ҳатто қийшиқ Иван Иванович билан гаров ҳам ўйнаган эди.

БЛАГО ● всех благ, всякого блага (желаю) яхши қолинг; омон бўлинглар; яхши борнинглар;

Мы со всевозможным усердием желали отъезжающему доброго пути и всякого блага. (Пушкин, Выстрел).

Биз сафарга кетаётган кишига яхши борнинг деб чин кўнгиладан оқ йўл тилаб қолдик.

БЛАТНОЙ, -ая, -ое ● блатной язык (блатная музыка) ўғрилар тили, жаргон.

БЛИЗКИЙ, -ая, -ое ● близкая соломка лучше дальнего сенца (//луч-

ше синица в руках, чем журавль в небе) (матал) ≈ узоқдаги қуйруқ (думба)дан яқиндаги ўпка яхши.

близкий перевод аниқ, яхши таржима: оригиналга (аслига) яқин таржима.

близко познакомиться (подружиться) дўстлашмоқ; яқин ошна (дўст) бўлмоқ;

— *Вы только что заявили, что были весьма близко знакомы с господой Светловой...* (Достоевский, Братья Карамазовы).

Сиз Светлова хоним билан жуда яқиндан таниш эканлигингизни ҳозиргина айтиб турган эдингиз.

близок локоть, да не укусишь (матал) [тирсагинг яқин бўлгани билан тишлай олмайсан]; ≈ кўрмоқ бор-у, емоқ йўқ; ≈ товоқ тўла анор ҳаддинг бўлса бирини ол.

в ближайшем будущем яқин кунларда; яқин орада; яқин келажакда; тез кунда.

принимать близко к сердцу (что) кўнгилга (оғир) олмоқ; хафа бўлмоқ; ҳар нарсани ўзинга олавермоқ; эламоқ.

Не относите его слова на свой счёт; не принимайте его слова близко к сердцу. (О. Сидельников, Нокаут).

Унинг гапларини кўнглингизга оғир олманг, эламанг.

БЛИН ● первый блин комом [биринчи қуймоқ ўхшовсиз чиқади]; ўрғамчик иш нуқсонсиз бўлмас (то қўл ўрганиб олгунча иш кўнгилдагидек чиқмайди).

БЛИСТАТЬ ● блистать отсутствием ўзини азиз қилмоқ; ўзини саргарозига солмоқ; қадримни ўтказай деб жўрттага борма қолмоқ.

БЛУДЛИВЫЙ, -ая, -ое ● блудлив, как кошка, трусув, как заяц (матал) итдек саёқ, қуёндек қўрқоқ.

БЛУДНЫЙ, -ая, -ое ● блудный сын оқладар; дарбадар ўғил (дарбадарликдан қайтиб келиб отасининг мол-мулкига меросхўр бўлган ўғил).

БОБ ● бобы разводить с. т. бўлмағур гаплар гапирмоқ; олди-қочди гаплар айтиб, сафсата сотиб оғзига қаратмоқ; гапни айлантирмоқ;

— *Так за каким делом-то приехала? Говори уж прямо, не разводи бобёв-то.* (Мамин-Сибиряк, Дикое счастье).

— Хўш, қандай иш билан келдинг? Тўғрисини айтиб қўяқол, гапни кўп айлантирма.

остаться на бобах (сидеть на бобах) қуруқ қолмоқ, алданмоқ; аҳмоқ бўлиб қолмоқ; панд емоқ.

провести на бобах қ. проводить.

БОГ ● бог знает (// черт знает) худо билади; ким билади (дейсан); ким билсин, қайдам.

бог в помощь! ҳорманглар; худо қувват берсин!

бог с тобою с. т. ҳа майлинг, билганингни қил; кел қўй; барака топкур.

богу свечу, а черту кочергу (// ни богу свечка, ни черту кочерга) раҳмонга чироғу, шайтонга косов (на раҳмонга чироғ, на шайтонга косов).

боже мой вой худо-ей; вой шўрим; анавини қаранг; тавба.

вот тебе бог, а вот порог ≈ тўрт томонинг қибла, жўнаб қол; кавшинг тўғри.

дай бог илоҳи...; худо ярлақасин; худо... берсин; ...ато қилсин;

[Фамусов:] *Дай бог здравье вам и генеральский чин.* (Грибоедов, Горе от ума).

[Фамусов:] Саломат бўлинг ва генераллик лавозинга кўтарилинг.

Жуликов на своем веку мне пришлось повидать дай боже. (О. Сидельников, Нокаут).

Ўгри-муттаҳамларни мен ўз ҳаётимда жуда кўп учратганман.

дай бог память (памяти) с. т., қ. память.

до бога высоко, а до царя далеко (матал) ≈ осмон олис, ер қаттиқ; ей-богу (// клянусь богом) худо ҳақи; азбаройи худо; чиндан ҳам; ҳар нарсаман; ≈ худо урсин агар.

— *Смеялся ей-богу, смеялся!* — крикнула Ирина и как ребенок захлопала в ладоши. (С. Бабаевский, Свет над землей).

— Кулдим, чиндан ҳам роса кулдим!— деди қийқириб Ирина ва ёш болалардек чапак чалди.

на бога надейся, а сам не плошай [худога ишон-у, ўзингни ҳам маҳкам тут] (матал); ≈ кўпга кенгаш, ўз билганингдан қолма.

не бог весть [худога ҳам маълум эмас]; ақл бовар қилмайди;

Такова в двух словах история Сакена. Что же касается современного Сакена, надо прямо сказать — не